



ЎЗБЕКИСТОН ИМОМЛАРИ МУСУЛМОНЛАРНИ ЯХУДИЙЛАР ВА “ИСРОИЛ”НИ СЕВИШГА ЧАҚИРИШДИ

2014 йил 21 ноябрь куни ўтказилган жума хутбаларида Ўзбекистон имомлари мамлакат муслмонларини яҳудийлар ва “Исроил” давлатини ҳурмат қилишга ва севишга чақирди.

Улар Ислом тарихидан ҳикоя қилишиб, яҳудийларни ҳурмат қилиш ва севиш кераклиги ҳақида “хужжатлар” келтиришди.

Хусусан, Тошкент шаҳар Яшнаробод (собиқ Ҳамза) туманидаги Аҳмад Яссавий масжиди имоми Ислом пайғамбари Муҳаммад с.а.в. ўзининг яҳудий қўшнисининг ёмонликларига сабр қилгани, оҳирги пайғамбар ҳар куни ахлат улоқтирган яҳудий қўшнисига ҳам ёмонлик қилмагани ҳақида гапириб берди.

“Қуръони Каримда Аллоҳ Таоло яҳудийларни аҳлқитоб, деб айтган. Кўрдингизларми, Аллоҳ уларни кофир демаган. Шунинг учун биз

яҳудий ва насороларни ҳурмат қилишимиз керак, улар билан аҳил яшаб, уларнинг камчилиги ва хатоларига сабр қилишимиз керак. Ҳудди ўз яқинларимизнинг х а т о - к а м ч и л и к л а р и г а ч и д а г а н д е к ч и д а ш и м и з к е р а к”, — деди яшнарободлик имом.

Бундай чақириқлар шу куни Ўзбекистон пойтахти ва вилоятларидаги бошқа масжидларда ҳам янгради.

Бу борада Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсунов алоҳида жонбозлик кўрсатиб, пойтахтдаги Кўкалдош масжидига йиғилган муслмонларни “баъзи ижтимоий тармоқларда чиқишлар қилиб, яҳудийлар ва Исроил давлатига нисбатан муслмонларда нафрат уйғотишга интилаётган диний экстремистларнинг иғволарига” учмасликка чақирди.

“Исломни ниқоб қилиб олган

бу манфур кимсалар Аллоҳнинг Қуръони ва пайғамбаримизнинг суннатларига ҳилоф иш тутиб, муслмонларда яҳудийлар ва Исроилга қарши нафрат уйғотишга ҳаракат қилишмоқда. Мана, яқинда улар “Кока-Кола”ни ичмасликка, “Нестле” озиқ-овқатларини истеъмол қилмасликка чақириб, уларни истеъмол қилишни сионизмни дастаклашга тенглаштиришди.

Бундай чақириқлар ўзбекларнинг бошқа миллат ва дин вакиллариغا нисбатан яхши муносабатда бўлиш каби миллий анъаналарига зиддир.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзбеклар ҳатто яҳудийларнинг болаларига ҳам бошпана беришган. Яҳудийлар ҳам Аллоҳнинг бандаларидир, Исроил эса бошқа давлатлар сингари жаҳон ҳамжамиясининг тенг ҳуқуқли аъзосидир”, — деди А. Турсунов.

Ўзбекистонда жума хутбаларининг мавзулари мамлакат махсус хизматларига бўйсунувчи Муслмонлар диний идораси томонидан тасдиқланади ва тарқатилади.

Уларни ёритиш республикадаги барча масжидларнинг имомлари учун шарт. Улардан четга чиқиш эса қатъиян таъқиқланади.

Албатта, антисемитизм яхши нарса эмас, аммо яҳудийларни ва “Исроил”ни ҳурмат қилиш ва севишга қаратилган чақириқлар ортида аслида МХХ нинг тургани инсонни ўйлантириб қуяди: бунинг сири нима?

Бу Каримов режимининг гизли ҳомийси, Жаслик ўлим лагерининг лойиҳасини чизиб берган, 20 йил давомида сиёсий ва диний муҳолифатнинг фаолларини тасбит этиб, йўқотишда ёрдам берган Исроил махфий хизматига берилаётган пора бўлиши мумкинми?

Эргаш Сулаймон

Дехқонобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари 11 йилга қамалди

Суд органилари Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Норсафар Бобоевни порахўрлиги учун 11 йилга озодликдан маҳрум этди.

Маълумотларга кўра, маҳаллий тадбиркор Тоштемир Маҳкамов

ресторан қурилиши учун 18 сўтих ер участкасини ажратишни сўраб, ҳокимиятга мурожаат қилган, деб ёзда “12uz” нашри.


«Ер участкасини ажратиларига ёрдам бериш учун Бобоев тадбиркордан 5 минг АҚШ долларини сўраган.

Музокаралардан сўнг пул маблағини 4 минг долларгача туширишган.

Натижада, туман маъмурияти раҳбарларидан бири ўз кабинетда пора олаётган пайтда қўлга олинди», — дейди суд органларининг вакили.

УХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонда поездлар ичида йўловчи буюмларини текшириш таъқиқланди



Темир йўл транспортларида божхона назорати ҳамда йўловчиларнинг қўл юклари, валюта ва валюта қийматидаги буюмларини расмийлаштириш тартибига ўзгартишлар киритилди.

Киритилган ўзгартишларга кўра, йўловчилар, уларнинг қўл юклари, валюта ва валюта қийматидаги буюмларини расмийлаштириш фақатгина божхона назорат ҳудудида амалга оширилади, деб хабар берди pogma.uz.

Божхона расмийлаштирилуви ўтказиладиган жойларда йўловчиларнинг қўл юклари ва поезд бригадаси аъзолари техник назорат воситаларидан фойдаланилган ҳолда текширилади. Бу ҳолатда божхона органлари томонидан божхона назоратининг соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин.

ЎХХ ахборот бўлими

Олдин хабар берганимиздек чоршанба куни Тошкентда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича Хукуматлараро комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис давомида Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири Элёр Ғаниев билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Азимов ҳам сўзга чиқди ва Россиядаги ўзбек муҳожирлари мавзусини тилга олди. Рустам Азимов нутқи давомида қайд қилишича, россия оммавий ахборот воситаларининг ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ



Рустам Азимов меҳнат муҳожирлари борасида россия ОАВ ёндашувидан норози

мавзудаги ахборотни ғоятда кўпиртириб ёритиши, бунинг миллатчиликка йўл очаётгани ва Ўзбекистоннинг ташқи имиджига салбий таъсир кўрсатаётгани Ўзбекистонда жиддий ҳавотир уйғотмоқда. «Шу саабли ҳам Ўзбекистон биз билан ҳамкорлик қилувчи мамлакатларга ишчи кучи ёллашнинг маданийлашган шаклини тадбиқ қилишни тавсия қилади. Бу меҳнат ресурсларига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда минтақа ва касби бўйича йўналтирилган ишчиларнинг аниқ сонини ўз ичига олиши лозим.

Ёлланма ишчиларнинг сони борасида уларнинг тайёргарлигини ташкиллаштириш мақсадида Ўзбекистоннинг ваколатли органлари билан олдиндан келишиб олиниши, Россиянинг ваколатли органлари меҳнат муҳожирларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатловчи тартиботни жорий қилишлари, энг кам иш ҳақи тўғрисидаги талабларга риоя қилиниши, муносиб турар-жой ва маиший шароитлар билан таъминлиниши лозим», — дея таъкидлади Рустам Азимов.

ЎХХ ахборот бўлими

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ВА ШИФОХОНАЛАР МИЛИЦИЯГА ҲИСОБОТ БЕРИШЛАРИ ШАРТ

Ўзбекистонда таълим ва тиббиёт муассасаларининг турли хил ҳуқуқбузарликлар ҳақида ички ишлар органларига хабар беришлари тартиби тўғрисидаги Йўриқнома тасдиқланди.

Эндиликда таълим муассасалари ҳуқуқбузарлик фактлари, оилавий-маиший низолар, жаотчиликка қарши ҳатти ҳаракатлар содир қилганлар ҳамда ҳуқуқбузарлик содир қилишга мойиллиги бор шахслар ҳақида ички ишлар органларига хабар беришлари шарт. Уз навбатида тиббиёт муассасалари ҳам ижтимоий аҳамиятга эга ва одамлар учун хавфли бўлган касалликлар ёки тан жароҳати билан мурожаат қилган ёхуд ҳушдан кетган ҳолда шифохонага ётқизилган шахслар ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавф

солувчи оилавий маиший низолар ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ахборот етказишлари лозим бўлади.

Шу билан бирга тиббиёт муассасалари касаллик тарихи варақасига мижоз ҳақидаги тўлиқ маълумотларни киритишлари шарт.

Юқорида тилга олинган ҳуқуқбузарлик фактлари аниқланган тақдирда таълим муассасаси ва шифохона ходимлари ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчи қисмига телефон орқали зудлик билан хабар беришлари лозим.

Навбатчи ходим хабарни рўйхатга олади ва кўнғироқ қилган шахсга кейинчалик хабарни ёзма шаклда киритиш тақдим қилиши

учун рўйхат рақами беради. Шундан сўнг мазкур органлар ва муассасалар бир сутка ичида навбатчи қисмга хабарни ёзма шаклда тақдим қиладилар. Хабар уни расмийлаштирган масъул ходим томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

Бундан ташқари таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш идоралари ҳуқуқбузарлик фактларини рўйхатга олиш китобини юритишлари лозим ва бу китобга киритилган маълумотлар уч йил давомида сақланиши шарт.

Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг қўшма қарори 2014 йилнинг 24 ноябрь куни кучга кирди.

ЎХХ ахборот бўлими



Қўқон шаҳар ҳокими: «ГАЗ ЙЎҚЛИГИДАН ШИКОЯТ ҚИЛГАНГА 300 МИНГ СЎМ ЖАРИМА»

Бир неча кун аввал маҳаллий нашрлардан бўлган Uz24.uz сайти «Общественный контроль» гуруҳида Қўқон аҳолисининг шаҳардаги газ ва свет йўқлиги билан боғлиқ шикоят мурожаатини эълон қилди. Мазкур мурожаат ушбу катта шаҳардаги коммунал хўжалигида ҳукмрон бўлган қайғули ҳолат ва расвогарчиликлардан далолат беради.

«Ҳурматли Жамоатчилик назорати, додимизни қандай қилиб юқоридагиларга етказишни маслаҳат берсангиз!» Қўқонда юз бераётган воқеалар расвогарчиликнинг ўзи, одамлар бу билан бир йил яшаётгани йўқ! Аммо бу ҳолат кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда!!!

Газ умуман йўқ, чироқни ҳар соатда ўчиришади ва ёқишни унутиб қўйишади! Электр тармоғи ҳаммасини «шаҳаргаз»га, «шаҳаргаз» эса электр тармоғи идорасига тўнкайди.

Шаҳар ҳокимиятига қилинган барча шикоятлар ва мурожаатлар ҳеч қандай натижа бермаяпти. Умуман олганда эса, шаҳар ҳокими шикоят ва мурожаат қилаётганларни бир баҳона билан 300 минг ва ундан юқори миқдорда жаримага тортиш ҳақида норасмий кўрсатма берган.

Узларини буюк ҳукмдор деб ҳисобловчи кичкина ҳокимчалар! Улар ўз тартиб-қоидалари ва ҳатто қонунларига эга давлат ичида ўз давлатини ўрнатиб олишган!

Одамларнинг уйда техника бузилаётгани, уйлар газ баллонлари ва қўлбола печлардан ёниб ёки портлаб кетяптими – бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Электр тармоғи идорасида бундай тартиблар ва

қоидаларни ким ўрнатган??? Қандай қилиб ҳар соатда чироқни ўчириш ва уни ёқишни унутиш мумкин!!!

Газни ёқмасликни ва бир қарасанг, трубаларга, бир қарасанг газ тақсимлаш пунктларига ёки яна бошқа нарсага доим пул йиғишни «Шаҳаргаз»га ким буюради??? Одамлар бу ерда табиий газ нималигини унутиб ҳам юборишди.

Бозорларда ҳозир энг харидоргир товар – бу фонарчалар, қўлбола печлар, газ баллонлари ҳамда ўтин ва кўмир. Биз қаерга қараб кетяпмиз??? Ахир 21 асрда, замонавий технологиялар, ютуқлар ва коммуникациялар асрида яшяпмизку. Энди ортга, тош асрига қайтаммизми??? Бу саволларга ва бу тартибсизликлар учун кимдир жавоб берадими?»

Қўқонликларнинг ушбу мурожаатни ўзбек тилига ўгириб эълон қилган Anhor.uz сайти ҳам Қўқон шаҳар ва Фарғона вилоятидаги бошқа шаҳарлар ҳокимиятларига ҳамда тегишли давлат тузилмаларига юзага келган ушбу вазиятга эътибор қаратишлари ва шошилинч чоралар кўрилишга чақиради.

Қайд этиш жоизки ўз халқи қишининг изғирин кунларида газ йўқлигидан азият чекаётган бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати Хитойга газ етказиб бериш ҳажмини 56 фоизга оширди.

«Интерфакс» агентлигининг Хитой божхона идораси маълумотларига асосланиб ёзишча, бу Марказий Осиёдан Хитойга етказиб берилган жами газнинг 13 фоизини ташкил этади ва йиллик ҳисобда ўсиш суръати 56,52 фоизга тенг бўлиб турибди.

УХХ ахборот бўлими

Тошкент вилояти ИИБ ходимлари серияли қотилликларга алоқадор бўлиб чиқди

Ёлғиз истиқомат қилувчи, кекса фуқароларга нисбатан содир этилган қотилликлар ва босқинчиликлар бўйича қўзғатилган шов-шувли жиноят ишига Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Зангиота туманлари ИИБнинг собиқ ходимларининг ҳам алоқадор бўлиб чиқди. Маълумки, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг 2014 йил 27 июндаги ҳукми билан Ҳамолддин Қосимов ва Нарғиза Урозовалар Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айбдор деб топганди. Ж.Қосимов умрбод қамоқ жазосига, Н.Урозова эса 15 йилга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганди.

Аниқланишича, улар ўзларини коммунал хизмат, тиббий муассасалар ҳамда ижтимоий таъминот ходимлари сифатида таништириб, кекса ёшли фуқароларнинг ишончидан фойдаланган ҳолда, уларнинг уйига ҳеч қандай тўсиқсиз кириб олган ва қасдан қотиллик, босқинчилик ва бошқа оғир жиноятларни содир этган. «12news» нашрининг хабар беришича тергов тадбирлари давомида бу ишга милиция ходимларининг алоқаси борлиги ҳам аниқланган. Олинган маълумотларга кўра, Янгийўл ва Зангиота туманлари ИИБнинг ходимлари пора эвазига қўлга олинган Ж.Қосимов ва Н.Урозовани қўйиб юборган.

«Агар биз ўша пайтда ушбу жиноятчиларга нисбатан қонуний чораларни кўрганимизда, улар ёлғиз яшовчи, кекса фуқароларни ўлдириш ва уларнинг мулкани ўғирлаш билан боғлиқ 208 та жиноятни содир этмаган бўларди», — дейди жазога тортилган собиқ милиционерлардан бири.

Суд органларининг қарори билан Тошкент вилояти Янгийўл ва Зангиота туманлари ИИБнинг тўрт нафар ходимига 13 йилдан 14 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотларига кўра, юқорида тилга олинган туманлар ИИБнинг ушбу шов-шувли жиноят ишига алоқадорликда айбланаётган яна икки нафар ходими, шу жумладан Янгийўл туман ИИБ бошлигининг собиқ биринчи ўринбосари ҳозир қидирувда.

УХХ ахборот бўлими



АНҚАРАДА ОЙДИН СОЛИХ ХОТИРЛАНДИ

30 ноябрь куни Туркия пойтахти Анқара шаҳридаги табиий махсулотлар ишлаб чиқариш ва савдоси билан шуғулланувчи «Оддий бозор» («Sade Pazar») жамиятида доктор Ойдин Солихнинг хотирасига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Туркиядаги турли соҳа вакиллари, жумладан, академик доиралар, илм-фан, оммавий ахборот воситалари ва тижорат дунёсининг йирик вакиллари ҳамда Ойдин Солихнинг шогирдлари бўлган бир гуруҳ ёшлар иштирок этишди. Тадбир мобайнида ташкил қилинган давра суҳбати мобайнида сўзга чиққанлар Ойдин Солихнинг анъанавий тиббиёт соҳасидаги

ўрни, у қолдирган илмий мероснинг аҳамияти борасида сўз юритдилар.

Хусусан, тадбир очилишида сўзга чиққан «Sade Pazar» жамиятининг Анқара бўлими раҳбари Севим Шентурк Ойдин Солихнинг ўз ҳаётининг фаолияти давомида тиббиёт оламида инсонлар учун катта бир йўл очганини, шу билан бирга, қолдирган илмий мероси орқали динимиз Ислом арконларининг тиббиёт ҳамда инсон саломатлигини сақлаш борасидаги уйғунлигини ёритиб бергани ҳақида гапирди.

«Ойдин Хоним билан биз аслида динимизда мавжуд бўлган кўпгина арконларни эсга олиш имконига мушарраф бўлдик ва уларнинг саломатлик соҳасида

қўлланилишига гувоҳ бўлдик. Ойдин Хоним бизга содда бир ҳаёт тарзини тавсия қилди. Биз ундан ҳам ҳаётга ҳамда касбимизга доир кўп нарсалар ўргандик», — дея таъкидлайди у.

Бундан ташқари, Ойдин Солих илмий меросининг асосини ташкил қилувчи унинг «Ҳақиқий тиббиёт» китоби ҳақида сўз юритар экан, Севим Шентурк қуйидагиларни тилга олади:

«Ойдин Хоним бизга «мендан сўнг ҳеч ким на менга на бошқасига муҳтож бўлмасин» дея шундай бир китоб қолдирдики, инсонларнинг ушбу китоб ёрдамида ўзларини даволаганликларига ва ҳатто саратон касалига йўлиққан беморларнинг ушбу китоб воситасида шифо топганликларига гувоҳ бўлдик. ИншаОллоҳ биз ҳам Ойдин Хоним қолдирган ушбу билимларни давом эттирган ҳолда унинг илмий меросини инсонларга етказишда давом этамиз».

Шундан сўнг маросим иштирокчиларига Ойдин Солихнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, ўзбек муҳолифати лидери Мухаммад Солихнинг турмуш ўртоғи сифатида уларнинг сургунликда кечирган йиллари ҳақида маълумот берилди.

Шу билан бирга Ойдин Солихнинг хотирасига бағишлаб унинг яқинлари, издошлари ва шогирдлари томонидан ёзилган мақолалар ўқиб эшиттирилди.

Маросим сўнггида доктор Ойдин Солих руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди.

УХХ ахборот бўлими

Ойдин Солих ҳақида хотиралар



Уни бир-икки мартаба телевизион дастурлардан ва китоблари орқали билан. Таниш эмасмиз.

Даволаш усуллари ҳақида одамларга тушунтирар эканман исмини ҳар доим «Ойдин Солих Хонимафанди» дея зикр қиламан. Қандайдир бир куч мени бунга мажбур қилади, бундан бошқача талаффуз қила олмайман. Фарқли

бир исм қўлласам унга нисбатан одобсизлик қилгандек туюлади.

Раҳматли хонимафанди сифатига лойиқ инсон эди.

Бу қадар муҳташам ва олийжанобликни атрофимда кўп изладим, аммо афсус ҳеч кимсада топа олмадим.

Шундай ҳислатлар соҳиби бир хонимафанди эди. Узи билан дунё кўзи билан танишмаганим, саломатлигим борасида мурожаат қилиб қийматли маслаҳатларини олмаганим энг катта йўқотишларимдан биридир.

ИншаОллоҳ қийматли илмини ўзи билан олиб кетмаган ва яқинларидан, дўстларидан бирига омонат қолдиргандир.

Ҳеч кўрмасдан фикрларига, услубига мени таслим таслим қилган, менда бу даража ишонч

уйғотган бошқа бир тиббиёт инсони учрамади. Бундан кейин ҳам Ойдин Хонимафандидан сўнг осонликча ҳеч кимнинг фикрларига таслим бўлмайдигандекман. Ҳақиқатан ҳам ўзгача бир инсон эди.

Мен ҳатто ўзини танимасдан ҳаётимдан бир камчиликни ҳис қилмоқдаман.

Оиласи, яқинлари ва дўстлари қай аҳволда эканликларини тасаввур ҳам қила олмайман.

Оллоҳ таоло қолганларга хайирли узун умрлар эҳсон этсин. Ойдин онамизни ҳам жаннатга, ёруғ дунёда ҳасратида қолган Пайғамбар Афандимизнинг суҳбатига қовуштирсин...

Ümit Düzeltin

*Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди*

Британиядаги “Privacy International” ташкилотининг 20 ноябрь куни эълон қилган «Хусусий манфаатлар — Марказий Осиёда жосуслик» деб номланган Маърузасида келтирилишича Марказий Осиёда ҳукуматлар илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз фуқароларининг электрон алоқаларини зимдан кузатиб, улар устидан жосуслик қилади. Миллий хавфсизлик хизматлари асосан жамоатчи фаоллар, журналистлар, танқидий фикрлайдиган одамларни назоратга олади.

Асосий мақсад эса бундай шахсланинг ташқи дунё билан алоқасидан тортиб, атрофдагилар билан муносабатлари, жамиятга таъсирини кузатиб боришдан иборат. Шу йўсинда қўлга киритилган маълумотлар асосида уларнинг кўпчилиги тазйиққа олинади, кўрқитилади ёки уйдирилган бошқа жиноятларда айбланиб, узоқ муддатларга қамокка ташланади.

Уларда ҳам “Verint” ва “NICE Systems” жиҳозлари ўрнатилган.

Ушбу мониторинг марказлари воситасида МХХ жорий тузумга нисбатан “тахдидлар” даражасини аниқлаб боради.

Шу билан бирга, МХХ фуқароларнинг энг шахсий маълумотларини ҳам бемалол текшириш ва уларнинг ҳаётини кузатиш кучига эга.

Мамлакатдаги мобил алоқа компаниялари ва интернет провайдерлар фаолияти ҳам тўлалигича МХХ иродасига бўйсундирилган ва ҳар қандай электрон алоқани уларнинг талаби асосида чеклаши мумкин.

МХХ фуқароларнинг шахсий алоқаларини кузатишда айни пайтда АҚШнинг “Netronome” компанияси ёрдамидан ҳам фойдаланади. Ўз навбатида, Германиянинг “Trovisor” ва “Ultimaso”, шунингдек, Россиянинг бир неча технологик фирмалари ҳам Ўзбекистондаги мониторинг

компаниялар турибди. Улар минтақа ҳукумати истаган асбоб-ускунани яратиб, ишга солиб беради.

МХХ тасарруфидаги баъзи технологик тизимлар Италиянинг “Hacking Team”, Британия ва Германиянинг “Gamma” номли технологик марказлари томонидан таъминлаган.

“Privacy International” нинг эътирофига кўра фуқаролар устидан жосуслик қилинишига қарши қонунлар қабул қилинмагани энг ачинарли ҳолатдир.

Дунёнинг қаерида бўлмасин, фуқарони зимдан электрон кузатиш инсон ҳуқуқларини кўпол равишда бузишдир.

Ўзбекистонда ҳам бошқа Марказий Осиё республикалари сингари ҳукумат махфий кузатишни жосуслик эмас, давлат хавфсизлиги учун зарур иш деб изоҳлайди ва бунга ҳаққи борлигини рўқач қилади.

Оддий одамлар ёки бегуноҳ

МХХ фуқароларни қандай кузатади?

Маърузада таъкидланишича, жосуслик фаолиятини амалга оширишда Марказий Осиёдаги давлатларнинг хавфсизлик хизматлари дунёнинг энг илғор технологияларидан фойдаланиш ади. Хусусан, Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) фуқаролар устидан жосусликни амалга оширишда Исроилнинг икки йирик компанияси — “Verint” ва “NICE Systems” билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ушбу компаниялар МХХни технологик жиҳатдан қувватлайди.

Масалан, Ўзбекистонда “Verint” кўмагида ишлайдиган



икки мониторинг маркази ташкил қилинган.

Улар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги ҳарбий иншоотларда жойлашган ва мустаҳкам ҳимоя остида.

Миллий хавфсизлик хизмати алоҳида кузатиш марказларига эга.

марказларини технологик жиҳатдан жиҳозлаб келади.

Маърузада ёзилишича технология гўёки маҳаллий фирмдан олинаётгандек кўрсатилади, аммо уларнинг ортида Америка, Европа, Россия ва Исроилда жойлашган йирик

инсонлар эмас, душманлар ёки ташқи кучларга ишлаётган фуқаролар нишонда, дея кайд этилади.

“Privacy International” репрессия ва сиёсий босимга қарши ҳар қандай компанияни виждонан иш тутишга чақиради.

«Бизнес бу бизнес экани тушунарли, лекин узатилаётган технология золим ҳукуматлар томонидан одамларни эзишга, адолатсиз тизим кўлида азобланишига, қонун устуворлиги мавжуд бўлмаган жамиятларда юзлаб балки минглаб инсонларнинг бегуноҳ қурбон бўлиши учун ишлатилмоқда.

Агар ҳукуматлар бу технологиялар билан давлат хавфсизлиги

ва тинчлигини таъминлашга, уларни фуқаро манфаатлари учун қўллашга бел боғлаган бўлса, у ҳолда сиз таъминлаётган воситалар билан қонунлар бузилмаётганини мунтазам равишда исботлаб турсин», — дейилади Маърузада.

ЎХХ ахборот бўлими

Россияда ўзбек автомобиллари савдосининг пасайиб кетишига сабаб рублнинг кадрисланиб кетиши билан боғлиқ россия бозоридаги ноқулай ҳолат ва россия авто ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш бўйича чоралардир.

Бу ҳақда чоршанба куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири Элёр Ғаниев маълум қилди.

«GM Uzbekistan ишлаб чиқарган автомобилларнинг Россиядаги савдоси бу йили учдан бир қисмга пасайди. Автомобилларимизнинг Россиядаги савдосига нисбатан



Элёр Ғаниев: «Россия ўзбек автомобиллари савдосига нисбатан камситувчи чоралар қўлламоқда»

камситувчи чоралар жорий қилинмоқда, жумладан россия автомобил ишлаб чиқарувчилари алоҳида рағбатлантирилмоқда», — дея таъкидлади вазир.

Ўзбек томони ўзбек автомобил экспортёрлари учун тенг шароитлар, жумладан, автокредитлаш масалаларида тенг имкониятлар яратилишини талаб қилмоқда. Ҳукуматлараро комиссия мажлиси якунлари бўйича имзоланган баённомада икки давлат вазирликлари ва идораларига

2015 йилнинг 1 майига қадар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларининг Россия бозорига киритилиши билан боғлиқ масалалар бўйича икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш топширилди.

Қайд этиш лозимки, GM Uzbekistan қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар экспортининг 90%и Россия ҳисасига тўғри келади. Россиядаги Оврўпа бизнеси уюшмасининг авто ишлаб чиқарувчилар Кўмитаси

берган маълумотларга кўра жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Россияда GM Uzbekistan корхонасининг 49 мингта автомобили сотилган. Бу кўрсаткич 2013 йилнинг айни авдрига нисбатан 32%га пастроқдир.

Ўтган йили GM Uzbekistan автомобил ишлаб чиқариши 246 мингтача, яъни 2102 йилга нисбатан 4,5%га оширган. Бу йили ишлаб чиқариш 250 сингта автомобилгача кўпайиши кутилмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими



Фарғонада аҳолига суюлтирилган газ белгиланганидан қиммат нархда сотилган

«Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Бешариқ туман филиалининг аҳолига суюлтирилган газ баллонлари етказиб бериш аҳволи ўрганилганда, талайгина қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аён бўлди, деб ёзади «Ҳуқуқ»

газетаси. «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг мазкур тумандаги филиали томонидан 2013 йилда 10 ва 20 килограммли газ баллонларида аҳолига жами 587 минг 980 килограмм суюлтирилган газ етказиб берилган. Бироқ газ

баллонларини аҳолига сотишдан тушган жами 285,787 миллион сўмдан зиёд нақд пул маблағи назорат-касса машинасида ўтказилмасдан, Давлат солиқ хизматидан рўйхатдан ўтмаган чипталар (квитанциялар) орқали кирим қилиниб, «Миллий банк» Бешариқ туман филиалига топширилган.

Шунингдек, 2013 йил ва 2014 йилнинг ўрганилган вақти мобайнида филиалнинг экспедиторининг талаби билан суюлтирилган газ баллонларини ўрнатувчи уста ва ҳайдовчилар аҳолига тўлдирилган баллонларни белгиланганига нисбатан қиммат нархларда сотишган. Бундан тушган жами 8,2 миллион сўмдан зиёд нақд пул маблағи банкка топширилмасдан, турли эҳтиёжлар учун сарфлаб келинган. Хабар беришларича, мазкур ҳолатлар юзасидан «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг Бешариқ туман филиали мансабдор шахслари жиний жавобгарликка тортилган.

UZBEK.FM

Самарқанддаги айрим маҳаллаларда свет ёниши билан газ ғойиб бўлади. Бунга сабаб эса баъзи маҳаллаларда газни тортиб берадиган насослардан фойдаланишлари оқибатида бошқа маҳаллаларга газ етиб келмаслигидадир. Самарқанд маҳаллаларидаги ушбу ҳолатни журналист Муртазо Турсунов қуйидагича тасвирлайди:

«С а м а р қ а н д л и к л а р н и н г аксарияти свет бўлмаган пайтдагина табиий газ келишига ўрганиб қолишган. Электр энергиясининг газга қандай алоқаси бор дейсизми? Бор, бўлганда ҳам қандок! Шу вақтгача фақат айрим хонадон соҳиблари мотор, яъни газни тортиб берадиган насосдан фойдалиниб

қўйишди. Паст босимда бўлса ҳам уйларимизга газ келди. Аммо учинчи кун яна ўша эски ҳолат такрорланди.

Энди биз свет ўчишини пойлашга мажбурмиз. Фақат шундагина оз бўлса-да, газ келади. Электр токи келган заҳоти яна ўчади. Насоснинг хавфли томони шундаки, ундан фойдаланаётган хонадонларда свет ўчиб қайта ёнганда, ёнғин чиқиши мумкин. Чунки свет ўчиши билан газ келиши ҳам тўхтайдди. Уй эгаси бундан хабарсиз қолсаю газ ускуналарини ўчирмаса, свет ёнғандан сўнг катта босимда келган газ портлаш ва ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Ўтган йили маҳалламизда аввалида бирданига олтига ҳовли, сўнгра бешта ҳовли ёниб, кулга айланган эди», — деб

курашиш идораси ходимлари ҳеч нарса қилолмасдан қайтиб кетишган. Бу ҳақда мени хабардор қилган «Самарқандшахаргаз» бош муҳандиси Исрофил Ваҳобовнинг сўзларига қараганда, назоратчининг иши прокуратурага оширилган.

Шунингдек, Ваҳобов Ҳамза кўчасига берадиган газ қувурини бошланиш нуқтасидан кесиб қўйилишини таъкидлаган эди. Аммо осмон баланд, ер қаттиқ деганларидек, мана бир неча кун ўтган бўлса ҳам газдан дарак йўқ, ҳатто ҳидига ҳам зор бўлиб ўтирибмиз. Газчиларнинг ўрнида ўзимиз қўшни маҳаллага бориб газдан ноқонуний фойдаланувчилар билан гаплашсак, маҳаллалар ўртасида низо чиқиб, катта жанжал бўлиши мумкин», — дейилади

САМАРҚАНДДАГИ АЙРИМ МАҲАЛЛАЛАРДА ФАҚАТ СВЕТ ЎЧГАНДАГИНА ГАЗ БЎЛАДИ

келишаётган эди. Эндиликда бутун бошли бир кўча ёки маҳалла ахли бирлашиб, газ тақсимлагич(ГРП) ёнида насос ўрнатишмоқда. Ҳовлимиз шаҳарнинг Сўзангарон маҳалласидаги Самибоев кўчасида, 52-мактаб ва 65-болалар боғчаси ёнида жойлашган. Бизда октябр ойининг охиридан бошлаб газ йўқ. Бунинг сабаби қўшни маҳаллаларда катта насослар ўрнатилганлигидадир. Ҳамза кўчасида газ тақсимлагич ёнида бахайбат темир кути ичида катта насос қуйилган (суратга қаранг). Шунингдек, Ойсават, Емини маҳаллалари ва бир қатор бошқа жойларда ҳам ана шундай насослар ўрнатилган».

Журналистнинг ёзишича моторларнинг ўрнатилишидан норозилар ҳокимиятга ва масъул идораларга бир неча маротаба мурожаат қилишган. Бироқ, ҳеч қандай натижага эриша олишмаган.

«Қаерда мотор қўйилган бўлса, ўша ерда газ бор. Қолган жойларда унинг ҳиди ҳам йўқ. Бу ҳақда шаҳар ҳокимиятига, «Самарқандшахаргаз» корхонасига ва «Ўздавнефтогазинспекция»

Самарқанд вилоят бўлимига шикоят-ариз билан мурожаат қилдик. Халигача натижа йўқ. Ариза топширганимиздан кейин газ идораси вакиллари қўшни маҳаллаларга келиб, «устимиздан шикоят тушди, насосларни ишлатмасдан туринглар» деб, илтимос қилиб кетишган. Насосларни фақат икки кун ўчириб



ёзди журналист. Журналистнинг сўзларига кўра насослар орқали газни тортиб олиш бевосита газ идораси билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда. «Насос қўйган маҳаллаларнинг оқсоқоллари мавжуд ҳолатдан хабардор бўлишса ҳам бунга эътибор қилишмаяпти, айримлари ўзлари бу ишга бош-қош бўлишмоқда. Газ назоратчилари ҳаммасидан хабардор. Аммо бу ишга панжа орасидан қарашлари сабабсиз бўлмаса керак? Ўша маҳаллаларда қариндош ёки яқин танишларимиз яшашади. Уларнинг гапларига қараганда, бу иш газ идораси билан келишилган ҳолда амалга оширилган экан. Бир воқеа бу ҳолатга аниқлик киритди.

21 ноябрь кун газчилар ва ёнғинга қарши курашиш идораси ходимлари Ҳамза кўчасидаги насосни кесиб ташламоқчи бўлганда, 50 яқин киши тўпланиб, жанжал кўтарган. Улар газ назоратчисидан аввал олган бир неча миллион сўм пулни қайтариб беришини талаб қилишган. Газчилар ва ёнғинга қарши


мақолада.

Турсунов шикоятлар ёзиб газлаштириш идорасига қайта-қайта катнаб бирор натижага эриша олмани ва шу туфайли мазкур муаммони қаламга олганини ёзди. Шунингдек, муаллиф ушбу мақола орқали «Ўзтрансгаз» ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидагилар Самарқанддаги аҳволдан хабардор бўлиб бирор чора кўришига умид билдиради. «65-болалар боғчасига қатнайдиган икки нафар неварам боғчадан совуқ қотиб, иштонини ҳўл қилиб келгани ва йўталаётганлигини кўриб, бу муаммони қаламга олишга қарор қилдим. Бошқа чора қолмади, шикоятлар ёзиб ва қайта-қайта газлаштириш идорасига катнаб, бирор натижага эришолмадик. Ушбу мақолани «Ўзтрансгаз» ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидагилар ўқиб, Самарқанддаги аҳволдан хабардор бўлиб, бирор йўлини қилишса керак деган умид билан ёздим.

Соҳа мутасаддиларига яна шуни эслатмоқчи эдимки, кузги-қишги мавсумда аҳолини газ ва электр энергияси билан узлуksиз таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори мавжуд. Нега Самарқандда бу қарор бажарилмай қолмоқда? Бунининг сабабини сўраб суриштирадиган одам борми?», — дея ўз мақоласига яқун ясайди Турсунов.

ЎХХ ахборот бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Ваҳийнинг келиши

Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом қирк ёшига тўлганда Оллоҳу Таолонинг амри ила содиқ рўёлар (тушлар) кўра бошлади. Унинг кўрган бутун тушлари ҳаётда айнан юз берарди. Пайгамбаримиз бу ҳол ичида олти ой яшадилар.

Оллоҳу Таоло унга бу ҳол ичида ёлғизликни севдирди. Пайгамбаримиз алайҳиссалом уйлардан узоқлашиб, тоғ ораллигидаги кимсасиз гўшаларга кетар, хаёлларга толарди. Буни кўрган Қуръайшликлар «Муҳаммад ўз Роббига ошиқ бўлибди», дейишарди.

Пайгамбаримиз ҳар Рамазон ойида Ҳиро (Нур) тоғида этиқофга кирар ва ёнига келган йўқсилларга емак едирар эди. Итиқофдан чиққанидан сўнг, уйига келишдан олдин, Каъбани етти марта тавоф қиларди.

У Ҳазрати Ҳадичанинг ҳам Ҳиро тоғига олиб боргани ривоят қилинади. Пайгамбаримиз алайҳиссалом, қавми бутларга топинар экан, хилват ва узлатни соғинар эди.

«Саҳихий Бухорий»нинг шарҳловчиси Бадриддин Айний «Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг таҳаннуси, тааббуди қандай шаклда эди», деган саволга «бу ўйлаш ва ибрат олмоқдан иборат эди. Катта бобоси Иброҳим алайҳиссаломнинг ибрат олиши каби», деганди.

Пайгамбаримизнинг тааббуди унинг пайгамбар бўлиш орзусидан пайдо бўлмаганди. Зотан, пайгамбарлик истаган ва ёки меҳнат билан эришиладиган бир мақом эмас. Оллоҳу таоло бу юксак

мақомни ўзи танлаган қулларига берди. Пайгамбаримиз Ҳиро тоғига кетар экан, ёнида сут, эт, зайтун ёғи, нон оларди. Ва Ҳиро тоғидаги моғорада етти кеча, баъзан бир ой қоларди.

У хилватда қолганида ғалати нурлар кўрар, саслар эшитар ва бундан хавотирланиб: «Эй Ҳадича, мен бир нур кўраёпман, бир сас эшитаяпман. Мен бир коҳин бўлиб қолишдан кўрқаяпман. Валлоҳи, мен шу бутлардан, коҳинлардан нафрат этганим қадар ҳеч нарсадан нафрат этмайман», дерди.

— Эй амакимнинг ўғли! Ундай дема! Аллоҳ сени асло ундай қилмас! — дея тасалли берарди.

Ибн Исҳоқнинг Абу Майсара

ПАЙГАМБАРЛАР ТАРИХИ (20).

Амр бин Шуруҳбилдан ривоят қилишига кўра, Расулulloҳ алайҳиссалом завжаси Ҳазрати Ҳадичага «мен хилватда ёлғиз экан, бир сас эшитдим, бунинг мен учун таҳликали эканидан кўрқаяпман», деганида Ҳазрати Ҳадича унга «Оллоҳ сақласин! Оллоҳу Таолонинг сенга ёмонлик қилиш эҳтимоли йўқ. Валлоҳи, сен омонатни адо этиб, қариндошга яхшилик қилган, сўзингни тўғри сўйлаган инсонсан», деган.

Ҳазрати Абу Бакр ёшлигида Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг дўсти эди.

Унга Ҳазрати Ҳадича Пайгамбаримизнинг ҳоллари ҳақида айтиб «сен Муҳаммадни (алайҳиссалом) амаким Варақага олиб бор», деди. Ҳазрати Абу Бакр Пайгамбаримизни Варақа бин Навфалникига олиб борди. Пайгамбаримиз унга «хилватда экан, бировнинг «Эй Муҳаммад, эй Муҳаммад» деб чакирганини эшитаман» — деди.

— Сенга бунинг зарари йўқ — деди Варақа.

— Мен сасни эшитиб кўркаман ва у ердан узоқлашаман, — деди Пайгамбаримиз.

— Сен ундай қилма. Овоз соҳибининг гапини охиригача тингла, кейин менга хабар бер — деб маслаҳат берди Варақа.

Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломга пайгамбарликнинг берилиши

Пайгамбаримиз алайҳиссалом Рамазон ойининг ўн олтинчисида, бозор кечасида Ҳиро тоғидаги моғорада ухлаётганида,

тушида ваҳий малаги Жаброил алайҳиссалом атласдан бир қолипга солинган бир китобни пайгамбаримизга бериб:

— Ўқи! — деди.

— Ўқий олмайман, — деди Пайгамбаримиз алайҳиссалом.

Жаброил алайҳиссалом Пайгамбаримизни кучоқлаб қаттиқ қисди.

Пайгамбаримизнинг нафаси кесилди, ўзини ўлаётгандай ҳис қилди.

Шунда Жаброил алайҳиссалом уни қўйиб юборди ва тақрор:

— Ўқи! — деди.

— Мен ўқий олмайман! — деди Пайгамбаримиз.

Жаброил алайҳиссалом уни

тақрор кучоқлаб, қаттиқ сиқти. Кейин қўйиб юборди ва яна:

— Ўқи! — деди.

— Нимани ўқийин? — деб сўради Жаброилнинг исқанжа каби кучоғидан қутилиш учун Пайгамбаримиз.

Шунда Жаброил алайҳиссалом «Алақ» суръасининг бошидаги бешта оятни ўқиди. Жаброил алайҳиссалом кетганида Пайгамбаримиз уйқудан уйғонди ва у бешта оят унинг қалбига бир китоб каби ёзилганини англади.

Пайгамбаримиз моғорадан чиқиб, Ҳиро тоғидан инар экан, кўкдан бир сас келди.

«Ё Муҳаммад, сен Аллоҳнинг Расулисан, мен Жаброилман», деди бу сас.

Пайгамбаримиз алайҳиссалом бошини кўтариб қаради ва Жаброил алайҳиссаломни оёқларини уфққа тираб турган бир инсон қиёфасида кўрди.

Пайгамбаримиз унга қараб бир зум қотиб қолди.

У Жаброил алайҳиссаломни кўрмаслик учун юзини қайси тарафга бурса, ўша ерда уни кўраверарди. Жаброил алайҳиссаломнинг саси гоҳ кўкдан, гоҳ дарахтдан, гоҳ тоғдан келарди. (Ёқубий, 2/22).

Ҳазрати Ҳадичанинг тасаллиси

Жаброил алайҳиссалом кетганидан кейин Пайгамбаримиз алайҳиссалом ҳам уйига қайтди.

Ҳазрати Ҳадича унинг қайта вермаганидан хавотирланиб, уни излашга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

одамларни юборганди, аммо улар Пайғамбаримизни топа олмай қайтиб келишганди. Пайғамбаримиз уйига қайтганида «Абулқосим, қаерда эдинг? Валлоҳи, сени ахтаргани одамларни жўнатдим, улар тополмай қайтиб келдилар!» деди Ҳадича Ҳазратлари.

Пайғамбаримиз бутун кўрганларини унга бир-бир айтиб берди.

— Сенга муждалар бўлсин! Оллоҳу Таоло сенга хайрдан бошқа нарса раво кўрмайди. Эй, амакимнинг ўғли, сабот эт. Ҳадичанинг борлигини кудрат кўлида тутган Оллоҳга ямин этаманки, мен сенинг бу умматнинг пайғамбари бўлишинга умид қилаяпман!, — деди Ҳазрат Ҳадича.

Кейин у либосларини кийиб, Варақа бин Навфални кетди.

Варақа бин Навфал Ҳазрати Ҳадичанинг амаки ўғли эди.

Жоҳилия даврида христианликка кириб, «Инжил»дан баъзи нарсаларни ёзиб олиб юрарди. Жуда кекса ва кўзлари хиралашган эди.

У Ҳазрати Ҳадичадан Пайғамбаримиз алайҳиссаломга кўринган воқеаларни эшитиб:

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (20).

— Куддус (пок ва кусурсиз), Куддус! Варақанинг борлигини Кудрат кўлида тутганга ямин этаманки, эй Ҳадича, менга сўзлаганларинг тўғри эса, унга келган Номуси Акбардир, у Мусога ҳам келганди! У (Муҳаммад алайҳиссалом) муҳаққак бу умматнинг пайғамбаридир! Унга сўйла, сабот этсин!, — деди.

Варақа бир Навфалнинг пайғамбаримиз алайҳиссалом бошига нималар келишидан хабар бериши

Варақа бин Навфал Каъбани тавоф этар экан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга дуч келиб, «Эй биродаримнинг ўғли, кўриб, эшитганларинг ҳақида менга ҳам айтиб бер» — деди.

Пайғамбаримиз айтиб берди.

Шунда Варақа «борлигимни Кудрат кўлида тутиб турганга ямин этаманки, сен бу умматнинг пайғамбарисан. Сенга келган Номуси Акбар аввал Мусога ҳам келган эди.

Сен муҳаққак қавминг тарафидан

ёлғончига чиқарилажаксан. Сени қийноққа солажаклар. Юртингдан чиқарилажаксан. Сен билан урушга киражаклар. Онт бўлсинки, мен у кунларга етишсам, Оллоҳнинг динига ёрдам этаман», деди ва Пайғамбаримизга яқинлашиб, унинг бошидан ўпди.

Ислолда илк таҳорат ва илк намоз

Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ваҳий келган кунни Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз алайҳиссаломга таҳорат олишни ва намоз қилишни ўргатди.

У Макканинг юқори тарафиди, водийда ўқчасини ерга урди ва у ердан сув пишиқириб чикди, бу сув билан таҳорат қилди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломнинг таҳорат олишини диққат билан кузатди: Жаброил алайҳиссалом аввал кўлини тирсақларигача ювди, кейин оғзини чайди, бурнига сув торгди, сўнгра юзини ювди. Кейин бошини ва қулоқларининг орқасини кўли билан масҳ этди. Сўнгра оёқларини тўпиғига қадар ювди. Таҳоратнинг сўнгида адаб ерига сув сепди. (Ибн Исҳқ «Китобул Мубтадо», 3/117).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам Жаброил алайҳиссалом каби

таҳорат олди. (Тобарий, «Тарих», 2/210).

Сўнгра Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз алайҳиссаломга намозни кўрсатди ва у билан бирга икки ракат намоз қилди. Ва бу намозда тўрт кез сажда қилди. Пайғамбаримиз теран бир севинч ила уйига қайтди.

Оллоҳу Таолонинг унга қилган олий икромии ҳақида Ҳазрати Ҳадичага хабар берди. Кейин уни кўлидан тутиб сувнинг ёнига олиб борди. Ва айнан Жаброил алайҳиссалом кўрсатган шаклда таҳорат олиб, Ҳазрати Ҳадичага кўрсатди. Ҳазрати Ҳадича таҳорат олди, Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга Жаброил алайҳиссалом кўрсатгани каби намоз қилдирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом илк намозини Пайғамбарлик келган кунни, душанба кунни қилди. Ҳазрати Ҳадича ҳам ўша кунни, оқшомга яқин илк намозини адо этди. (Ибн Абдулбарр, 4/1820).

Ваҳий ва ваҳий тарзлари

Луғатда «суръатли ишорат»,

«китобат», «рисолат», «илҳом» ва «гизли калом» каби маъноларни англатган ваҳий Оллоҳу Таолонинг ўз пайғамбарларига юборган буйруқларидир.

Оллоҳу Таоло аввалги пайғамбарларга ваҳий этгани каби Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам ваҳий этди.

Куръони Каримда бу ҳақиқат шундай ифодаланади: «Биз Нуҳга, ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий этганимиз каби, Иброҳимга, Исмоилга, Исҳоққа, Ёқуб ва унинг набираларига, Исога, Айюбга, Юнус, Хорун ва Сулаймонга ваҳий этганимиз каби, шубҳасиз, сенга ҳам ваҳий этдик. Довудга Забурни ато этдик. Шундай пайғамбарлар юбордик-ки, уларнинг қиссаларини сенга билдирдик. Яна шундай пайғамбарлар юбордик-ки уларнинг қиссаларини сенга билдирмадик. Оллоҳ Мусога ҳам хитоб билан гапирди». («Нисо», 163-164).

Ваҳий тарзларидан биттаси уйқуда кўрилгани ва ҳаётда айнан содир бўлганидир. П а й ғ а м б а р и м и з н и н г пайғамбарлиги бу тарз билан бошланди.

Пайғамбаримиз «Эй Ойша, менинг кўзим ухлайди, аммо қалбим ухламас», деган эди. Ваҳийнинг иккинчи тарзи ваҳий этилажак хабарнинг малак (фаришта) томонидан, кўринмасдан, Пайғамбаримиз алайҳиссалом қалбига етказилишидир.

Пайғамбаримиз «шубҳасиз, Рухул Қуддус (Жаброил а.с) қалбимга шуни илҳом этдики, ҳеч бир нафс ажали етмагунча, ризқини тугутмагунча ўлмайди. Шундай экан, Оллоҳдан кўрқинг, уни гўзал ва машру йўллардан ахтаринг! Ҳалол бўлганини олинг, ҳаромдан қочинг. Ризқ кечикса, уни Оллоҳга зид шаклда топишга ҳаракат қилманг. Чунки Оллоҳ қатида бўлган нарсага Оллоҳга итоатли бошқа нарса воситасида ноил бўлиш мумкин эмас», деди.

Ваҳийнинг учинчи тарзи, ваҳий малагининг инсон суратида кириб, ваҳийни пайғамбарларга етказишидир. Пайғамбаримиз «баъзан малак инсон суратига кириб мен билан гаплашади, мен эса унинг сўзларини ёд оламан. Бу мен учун ваҳийнинг энг қулай келганидир», деди.

Ваҳийни бу тарзда келтирган малакни баъзи саҳобалар ҳам кўрарди.

(Давоми келгуси сонда)

2014 йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистонда парламент сайловлари ўтказилиши муносабати билан мактабларда сайлов участкалари ташкил қилинмоқда.

2014 йилнинг 28 ноябрь куни Альянснинг Чирчиқ шаҳридаги ҳуқуқ ҳимоячиси Ширина Нишонова томонидан йўлланган расмлар сайлов муносабати билан №12 сонли мактабнинг биринчи синф ўқувчилари 21 кунга сайлов ўтиб бўлгунга қадар авария ҳолатида бўлган №1 сонли мактабга кўчирилгани ҳақида хабар беради.

Ота-оналар мактабнинг таъмирталаб эканлиги, хоналарнинг етарли жиҳозланмагани ва



Ўзбекистондаги парламент сайловлари болаларнинг ҳуқуқларини бузмоқда



қайта №12 сонли мактабга кўчириб ўтказган.

Альянс ҳуқуқ ҳимоячилари сайлов участкасини санитарияга тўғри келмайдиган шароитларда болалар таълим олаётган №1 сонли мактабга кўчиришни таклиф қилади.

Ҳуқуқ ҳимоячиларининг алоқа телефонлари:

Ширина Нишонова +99891 7754616

Елена Урлаева +99893 3921784

Альянс Матбуот маркази
Тошкент, Ўзбекистон

ЎХХ таҳририяти почтасидан

шароитнинг деярли йўқлигидан норози бўлишган.

2014 йилнинг 29 ноябрь куни ҳуқуқ ҳимоячиси Елена Урлаева ўқувчиларнинг ота-оналари билан кўришиш ва ҳолатни ўрганиш мақсадида Чирчиққа етиб борди.

Чирчиқ шаҳридаги №1 сонли мактабда Урлаева мактаб дахлизи шифтларидан сув оқаётганлиги ва сувоқларнинг кўчиб кетганига гувоҳ бўлди.

Бундан ташқари 1 Б синф ўқувчилари жойлаштирилган синфда электр токи йўқлиги боис хонада ёруғлик бўлмаган.

№ 12 мактаб директори ўринбосари ва касаба уюшмаси раҳбари ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамда ота-оналарга ўзларининг Чирчиқ шаҳар ҳокими Хайруллаев буйруғини бажаришаётганини, шунинг учун ҳам бир нечта хонани

21 кунга бўшатишганини айтишган.

№12 мактаб директори ҳокимдан сўкиш эшитишидан кўркишини, шунинг учун ҳам Урлаевани бу ҳақда ёзмаликка кўндиришга ҳаракат қилган.

Елена Урлаева ва Ширина Нишонова мактаб директориغا Чирчиқ шаҳар ҳокимиغا шикоят қилишларини билдиришган.

Ҳозирча бу ҳақдаги материал ва хабар тайёрланмоқда, дейди Ширина Нишонова. Унинг сўзларига кўра, мактаб директори ўз қарорини қайта кўриб чиккан ва ўқувчиларни





топтагани туфайли «бундай бир воқеанинг бўлмаганини» иддао қиладилар. Ҳатто Атиллани варвар деб ҳақорат ҳам қиладилар. Чунки ўзларининг нозик жойлари ачишади. Аммо бутун тарихчилар Папа Леонинг Атиллани нимадир қилиб кўндиргани ҳақида ёзишади. Атилла Римни ишғол қилишига ва Рим соҳиби бўлишига қарамасдан Папани ва черковни озод қилади. Атилла агар истаса шу куни христианликни буткул йўқ қиларди. Бугун Ватикан деган жой ҳақида сўз юритилмаган бўларди.

Ватикан бу мавзуга шундай изоҳ беради: Папа Лео I Атиллани Исо Масихнинг ёрдами билан кўндирган. Ватикан Папанинг

ПАПАНИ ТИЗ ЧЎКТИРГАН ТУРК ҲУКМДОРИ

Тадқиқотчи-ёзувчи Ўқтан Калашнинг архивидан олинган ушбу ҳужжат тарихни ўзгартириб юборадиган аҳамиятга эгадир.

Куйида мазкур ҳужжат ва буборадаги Ўқтан Калашнинг иддаолари берилган:

«Дунай дарёси қирғоғидаги бир қишлоқда, Можар қишлоғида яшовчи бир одам Усмон Пошо қароргоҳига келиб баъзи тарихий ҳужжатларни тақдим қилади.

«Ҳужжатларнинг жуда қадимий эканлигини, фақат ичидаги мазмунини тўлиқ билмаслигини» айтган қишлоқлик, ҳужжатларнинг «Туркларга алоқаси бор бўлиши мумкинлигини» таъкидлайди. Усмон Пошо ҳужжатларни олиб келган одамни рози қилиб ундан ҳужжатларни қабул қилиб олади.

Ҳужжатлар мазмунини Усмон Пошо билмайди. Уруш якунига етгач бу ҳужжатлар Истанбулга олиб келинади. Ҳужжатлар устига кейинчалик «Усмон Пошонинг хотиралари» деб ёзилади. Бироз вақтдан сўнг ҳужжатлар Турк Бош штаби тасарруфига ўтказилади.

Бу ҳужжатларнинг Турк Бош штаби тасарруфида бўлгани ва космик хоналардан бирида сақлангани маълум. Бу бўлимни шу мақсадда тилга олдик. Усмон Пошонинг можар қишлоғилик одамдан олгани ушбу ҳужжат бир папирус қоғози ва бешинчи асрга оид бир ҳужжатдир. Ҳужжатнинг устида расм ва юнонча ёзувлар мавжуд. Ҳужжатнинг мазмуни куйидагича: Воқеалар тарихи тахминан 470 йилларга оид. Эпископ Маринус ёки монах Маринус тарафидан чизилган ва

ёзилган бир ҳужжат. Ёзув шундай: Милоддан кейинги 440-йилларда Папа бўлган Лео I ошқора бир тарзда масҳара қилинади. Ёзувда Маринус ошқора бир тарзда Папа Леонинг устидан кулади. Папа Лео ким ўзи? Папалар тарихида, Римда

Атилла олдида тиз чўкиб ёлворгани ҳақида гапирмайди. Бундай воқеанинг исботи бўлмаганини айтади. Юқорида тилга олганимиз ҳужжат эса Ватиканнинг ёлғонларини ошқор қилади: Маринус тарафидан



Хун Императори Атиллани Италия ишғолидан воз кечишга кўндирган бир киши сифатида тилга олинади.

Кўпгина тарихчилар 452 йилда Атилланинг 100 минг кишилиқ кўшини билан Алп тоғлари устидан ошиб Италияга кирганини ҳеч иккиланмасдан ёзишади. Папа Лео I бир ҳайъат билан Атилла ҳузурига боради ва ундан Римга омонлик беришини,

шафқат қилишини сўрайди. Ҳаттоки кўпгина тарихчилар Атилланинг Римни ишғол қилиб христианликни йўқ қилишидан кўрқишгани ҳақида ёзишади. Лео Атилланинг олдида тиз чўкади, кўлини ўпади, авф тилайди. Бирок, бу ҳолат Оврўпаликлар ва Ватикан тарихчиларининг ғурурларини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

чизилган расмлар ва ёзиб қолдирилган ҳужжат 470 йилларга оиддир. Бу ёзув ва ҳужжатлар бизга куйидагилардан далолат беради: Атилла тик оёқда, бошида нур сочиб турган тожи бор. Бу нурли тож христианларда азиз ва муҳтарамликка ишорат қилади.

Папа Лео эса Атилланинг қўлидаги ипга ёки қамчига боғланган бир ҳолатда ерда эмаклаган бир ҳолатда тасвир қилинган. Атилланинг қўлидаги қамчи ҳам ип ҳам бўлиши мумкин. Расмдаги тасвирнинг қуйи қисмида Рим Черковини ифода қилувчи бир саркофаг (қадимий тош тобут) мавжуддир. Атилла қўлидаги ип ёки қамчи билан Леога тарбия бераётган бир ҳолатдадир. Юнонча ёзувларнинг ўқиш имкони бўлган қисмида куйидагилар таъкидланади: Маринус Леони масхара қилади; Папа Лео Осиелини Параклет (*) деб эълон қилди. Ушбу калима жуда диққатни жалб қилувчидир. Варнава Инжилида тилга олинган бир калимадир. Аҳмад, тавсияси, буюк рух, покизаловчи маъноларида қўлланилади. Бу христиан дунёсида бугун ҳам тортишувларга сабаб бўладиган бир мавзудир. Бу матнда ҳам ўша калима куйидагича келтирилади: Монах Маринус, Папа Леони масхара қиларкан шу ҳақида гапиради — Лео Атиллани Исодан сўнг келадиган Варнаванинг Параклети деб эълон қилди. (Бу жойда Маринус Варнавани ҳам бидъат деб атайди). Тўғрироғи Папа Лео Атиллани пайғамбар деб эълон қилади, яъни Параклетнинг айнан Атилла эканлигига ишонади. Ғарблик тарихчилар Папа Леонинг Атиллани ниманинг эвазига кўндиргани ҳақида савол беришарди? Жавобини эса бизга Маринус беради.

Папа Лео ва Атилла ўртасидаги бу параклет масаласининг ортида албатта қандайдир бир келишув мавжуддир. Ватикан ўз архивларини очган экан бу ҳужжатга ҳам изоҳ берсин! Ватикан Махфий Архивлари бошлиғи Сержио Пагано мана шу ҳужжат ҳақида маълумот берсин. Бу ҳужжатни халққа маълум қилсин».

Эҳтимол Бош Штаб 2023 йилда бошқа бир қанча ҳужжатларга изоҳ берав».

Манба: internethaber.com
Туркия туркчасидан
Ўзбекчалаштирилди



ЎЗБЕК МАТБУОТИ НОРАСМИЙ ИШЧИЛАР МУАММОСИНИ ТИЛГА ОЛДИ

Ўзбекистондаги маҳаллий нашрлардан Podrobno.uz. агентлиги республика иқтисодиётининг баъзи соҳаларида, жумладан умумий овқатланиш марказлари ва савдода ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ишчи-ходимларнинг фаолият юритаётгани ҳақида ёзади.

Хабарда келтирилишича, юқорида номи тилга олинган ташкилотларда бир неча ўнлаб ишчилар хизмат қилишади, бироқ ҳужжатга кўра эса уларнинг сони 3-4 та қилиб кўрсатилади. Шу сабабли ҳам расмийлаштирилмаган ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланмаган. Улар исталган вақтда ишдан ҳайдалиши ва меҳнати учун ҳақ ололмастиклари мумкин.

Бундан ташқари, иш берувчи улар учун ижтимоий тўловларни ва пенсия жамғармаси учун бадалларни тўламайди.

Натижада пенсияга чиққан ишчиларда иш стажи етмайди ва улар минимал пенсия олишади.

Муаллиф ушбу ҳолатни баргараф қилиш борасида республикада бир қатор чораларни амалга ошириш режаланаётгани ҳақида сўз юритади.

Бундай чоралардан бири сифатида келаси йилдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар, ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25%дан 15%гача туширилиши мисол келтирилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан амалга киритилиши режалаштирилаётган ушбу чора истикболда солиқ юктамаларининг камайиши эвазига ишчи ўрнини легаллаштиришга

имкон бериши айтилади.

Бироқ, фақат ижтимоий тўлов ставкасини камайтириш билан норасмий ишчилар муаммосини ҳал қилиш қийин. Зеро хусусий корхоналарда аксарият ишчи ходимларнинг расмийлаштирилгани билан боғлиқ муаммо ечимини фақат ижтимоий тўлов ставкаларининг юқорилиги билан боғлаш нотўғридир. Чунки, микрофирмалар ёки кичик корхона айланмасидаги

нақд пул банкдаги ҳисоб рақамлар орқали ўтиб расмийлаштирилган ишчига маош сифатида корхонага қайтиб келгунга қадар бир қанча босқичларни босиб ўтади.

Шунинг учун ҳам масалага бир-бирига ўзаро узвий боғлиқ бўлган умумий тизим нуқтаи назаридан ёндашув талаб қилинади. Бунинг учун эса, нафақат солиқ тизими, балки мамлакатдаги банк тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиши, биринчи навбатда, республика иқтисодиётида доимий муаммо бўлиб келган нақд пул етишмовчилиги билан боғлиқ муаммо ҳал қилиниши лозим.

Ижтимоий тўлов ставкаси ҳақида сўз борар экан, масаланинг яна бошқа томони ҳам борки мамлакатдаги умумий иқтисодий ҳолат, аҳоли турмуш даражаси ва ишсизлик билан боғлиқ.

Ушбу кўрсаткичлар нуқтаи назаридан Ўзбекистонда меҳнат учун фавқулотда оз ҳақ тўланиши ҳисобга олинса ҳар қандай ставкадаги ижтимоий тўлов номуаносибликни келтириб чиқаради.

Шундай экан, иқтисодиётдаги давлат бошқарувининг барча механизмлари тубдан ислоҳ қилинмагунча ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини тўла таъминлаш имконсиздир.

ЎХХ ахборот бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Замир Малик